



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 20 ноябрь, № 226 (4636) • Пайшанба

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ турмуш фаровонлигини юксалтириш гаровидир

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, улар ўртасида эркин рақобат муҳитини яратиш орқали ички бозорни сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирish, монопол ва банкрот корхоналарни кичиклаштириш ҳамда соғломлаштириш, нархларнинг сунъий равишда ўсиб кетишининг олдини олиш, сунъий тақчиллик юзага келишига йўл қўймаслик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.



Жорий йилнинг август ойига қадар 16 та корхона негизда 24 та янги тадбиркорлик субъекти тузилди. Бундан ташқари, 2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳаракат дастури режасига мувофиқ, ўтган давр мобайнида қўмитага келиб тушган кичик бизнес ишларига аралашиб ва уларнинг муаммоларига оид 350 дан ортиқ мурожаатларнинг бари жойида хал этилди. Шунингдек, жойлардаги "Ишонч телефонлари" орқали

қабул қилинган мурожаатларнинг 20 фоизи банк хизмати, 8,7 фоизи солиқ, қолган қисми ер ажратиш ва боқсонга оид эди. Уларнинг асосий қисми ҳам тадбиркорлар фойдасига хал қилинди. 40 дан зиёд мурожаатлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш Кенгаши мажлисида атрофича кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2008 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенат Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини шу йил 4 декабрда Тошкент шаҳрида чақариш тўғрисида қарор қабул қилди. Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қўйидаги қонунларни киритиш режалаштирилмоқда: "Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида", "Қўтқарув хизмати ва қўтқарувчи мақоми тўғрисида", "Нодавлат нотариот ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида", "Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида". Шу билан бирга "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида", "Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуроли можораларда иштирокига тааллуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май)

қўшилиши ҳақида", "Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида", "Ишлатиб бўлинган ёқилги билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар ҳам кўриб чиқилди. Шу билан бир қаторда сенаторлар муҳокамага Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошиқларини тайинлаш тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бир қатор бошқа масалаларни киритиш ҳам назарда тутилмоқда. Кенгаш Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн олтинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштиришни Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф. Мухитдинова зиммасига юкляди. Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор идора ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Менинг Конституциям

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра сўхбатлари давом этмоқда. Наманган шаҳрида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шiori остида ўтган илмий-амалий анжуманда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, вилоятдаги миллий маданият марказлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, талаба ва ўқувчилар иштирок этди. Бош Қомусимизнинг 18-мод-

дасида, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, иқтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва иқтимоий мақоридан қатъи назар, қонун олдида тенг экани қайд этилган. (Давоми 2-бетда).

Жараён

Шулардан келиб чиқиб, 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастурга биноан, қўмита томонидан монопол корхоналар сонини босқичма-босқич 118 тага қисқартириш, уларнинг негизда 158 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 411 та янги тадбиркорлик субъектини барпо этиш режалаштирилган. Бу режа, ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи, қурилиш материаллари ва конструкциялашни сертификатлаштириш, санитар ишлов бериш ва чиқиндиларни олиб чиқиш хизмати, шифер, мрамар блоклари, асфальт-бетон ётқизиш, матбаа маҳсулотларини чоп этиш ва уларни етказиб берувчи бир қатор соҳаларни қамраб олади. Айни чоғда шу асосда ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларнинг худудий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга қўра, барча соҳаларда кичик бизнеснинг улуши бўлиши зарур. Хусусан, 2008 йилда кичик бизнеснинг ишлаб чиқаришдаги улуши 48 фоизга, 2010 йилга бориб 50-52 фоизга, экспортдаги ҳиссаси эса 20,5 фоизга етиши лозим.

Мамлакатимизга ташир буюрган Венгрия Республикаси ташқи ишлар вазири Кинга Гёнц раҳбарлигидаги делегация 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тوشмухамедова билан учрашди.

ВЕНГРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жаҳалларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофича фикр алмашилди. Венгрия ташқи ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар мазкур йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. Шу кун К. Гёнц Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В. Норов билан ҳам учрашди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА)

Ўзбекистон — Ҳиндистон: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Дехлида Ўзбекистон Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Жаваҳарлал Неру номидаги Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази томонидан ташкил этилган "Фуқаролик жамиятини шакллантириш: Ўзбекистон ва Ҳиндистон тажрибалари" мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

кечаётган зиддиятлар ҳамда бу аҳолининг диний ва миллий экстремизмининг кучайиб бориши билан боғлиқлиги каби хавфсизлик таҳдид солуви ҳолатларга дуч келди, — дейди Ҳин-

мокрatik ислохотлар ўтказиш учун шароит яратиш, тоталитар тузумдан демократик давлат тузумига ўтишнинг ўзига хос моделини аниқлаб олиш зарур эди.

Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази докторанти Ражаң Кумарнинг эътирофига қўра, Ўзбекистонда демократиянинг умумий таймийларини акс эттирган ўзига хослик — халқ ҳокимияти, эркин сайловларда халқ хоҳиш-иродасининг ўз ифодасини топиши, жамоат ташкилотлари томонидан иқро ҳокимияти фаолиятининг доимий назорат қилиб борилиши каби қоидалар мавжуд. Экспертлар хулосасига асо-

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

дистон Маданий алоқалар кенгаши президенти Каран Сингх. — Ҳали тараққий этмаган иқтисодиёт ва уни деверфикация қилиш, ўтиш даврида аҳолининг иқтимоий ҳимоясини кафолатлаш зарурияти ушбу ҳолатни оғирлаштирди. Минтақада барқарорликни сақлаган ҳолда де-

Учрашувда олимлар, турли мамлакатлар тадқиқот марказлари экспертлари, Ҳиндистон давлат идоралари ва Дехлида аккредитация қилинган дипломатик корпуслар вакиллари иштирок этишди. Иштирокчилар мамлакатимизда иқтимоий-сиёсий ислохотларнинг бориши, хусусан, сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини ошириш, мамлакатни модернизациялаш ва демократик янгилаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда нодавлат нотариот ташкилотлар фаолиятини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ишлар ҳақида фикр алмашилди. — Мустақилликка эришган илк даврларда Марказий Осиё давлатлари Афғонистонда

Мамлакат бўйлаб

"Бухоротебек" корхонаси мажмуасида "Текстил Спектрум колорс" Ўзбекистон-Қозоғистон-Россия қўшма корхонаси ташкил қилинди. Кўшма корхонанинг қутлуғ қадами. Корхонага мулкдорлар томонидан 106 миллион сўм сармоа, хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан 1033,5 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилиб, замонавий дастохлар, бўяш, гул бошич усуналари сотиб олинди. Янги корхона шарофати билан 62 та иш ўрни яратилди. И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Олтинқўлдаги иппиғирув корхонасига хориж инвесторлари томонидан 3 миллион 250 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ йўналтирилиб, Италия, Тайвань, Туркиядан илгор технологиялар келтирилди. Маҳсулотнинг 80 фоизи хорижга. Модернизация шарофати туфайли бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифати ошди. Эндиликда 300 нафар олтинқўллик ишлар қўлидан чиққан сифатли трикотаж маҳсулотларининг 80 фоизи хорижга экспорт қилинаётди. "Олтинқўл текстиль" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида эса буюк Ҷеҳи ишга туширилди. Бу трикотаж маҳсулотларига турли ранглар бериб, уларнинг кўриниши кўркам бўлишини таъминламоқда. Ш. ОДИЛЖОНОВ.

Инвестиция — тараққиёт омили. Йилнинг ўтган даврида Жиззах вилояти иқтисодиётига 8 миллиард сўмликдан зиёд хорижий инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йилнинг шу давридагидан 2,1 баробар кўпдир. Корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки Дўстлик туманидаги музлатилган балик ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Фора Сефодс" хорижий корхонасига 300 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Йил охирида фойдаланишга топширилган "Фористекстиль" қўшма корхонасига янги технология, жиҳозлар олиш учун 1712,5 миллион сўм ажратилди. Зоминдаги "Муруваттекс" ҳамда қишлоқ ҳўжалик машиналарини ййиғиш билан шуғулланадиган "Дойче Агрочемиче" корхоналарига 1.375 миллион сўмлик хорижий инвестиция киритилгани эса туман иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилди. Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Телекоммуникацияда жарроҳлик амалиёти. Республика шoшилч тиббиёт илмий марказининг Фарғона вилояти бўлимида Россиянинг машҳур Бакулев номи юрак-контимир жарроҳлик маркази билан ҳамкорликда жарроҳлик амалиёти бажарила бошланди. Мазкур замонавий тизимнинг афзаллиги шундаки, у амалиёт даволаш муассасалари билан боғланиш имконини беради. Бундан ташқари янги телемедицина тармоғи ёрдамида аниқ ташхис қўйиш, даволаш самардорлигини ошириш, ногиронлиқни камайитиришга оид маълумотларни электрон почта орқали юбориб, маалаки мутахассислардан маслаҳатлар олиш ҳам мумкин. Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАМГАРМА МАБЛАҒЛАРИ — УСТУВОР ЛОЙИҲАЛАРГА

2008 йилнинг тўққиз ой ичида республикамизда Тикланиш ва тараққиёт жамгармасининг маблағларидан устувор лойиҳаларни амалга ошириш мақсадларига 125,9 миллион доллар йўналтирилди.

Бунинг натижасида жойларда иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартириш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш ва технология янгилаш ишлари жадал давом эттирилди.

Доимий комиссия:

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси Маҳмуд Сайдалиев тажрибали тадбиркор. Унинг "Ал-Саид" хусусий фирмаси ишни пластик идишларда салқин ичимликларни ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Бугунги кунда катта диаметри пластмасса қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Комиссия аъзоси Садат Пармонов "Чилонзор" ишлаб чиқариш компанияси раҳбари. Уни шаҳарлик тажрибали савдо ходими, банкрот бўлган ёғочни қайта ишлаш заводи ва паррандачилик фабрикасини сотиб олиб, қаддини кўтарган ишбилармон сифатида танийди. Шаҳар Кенгашининг сессиясида комиссиянинг ҳисоботи эшитилди. Депутатлар кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишидан қониқиб ҳосил қилдилар. Бугунги кунда шаҳарда 4374 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Фақат кичик корхоналар ҳисобидан йилнинг тўққиз ойи ичида 960 та янги иш ўринлари яратилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнесни ри-

вожлантириш учун 22610 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Доимий комиссиялар фаолиятида қонунлар, ҳукумат қарорлари ва юқори вакиллик органлари ҳамда шаҳар Кенгаши сессияларида қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг иш режаларида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишида муҳим ҳисобланган кўпгина қарорларнинг қорихона ва ташкилотларда ба-жарилишини ўрганиш ва комиссия мажлиси, Кенгаш сессиясида қўриб чиқиш кўзда тутилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сер-

вис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича бир йўла учта доимий комиссия иш олиб бораёпти. Чунки унда белгиланган вазифалар тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияларга баб-баравар тааллуслик.

Маҳаллий кенгашларда

Хўш, бундай эътибор қандай натижа берди? Энг аввало, доимий комиссиялар аъзоларининг бевосита иштирокида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Унинг ижросини таъминлашга қаратилган сайёҳаракатлар тўғрисида ҳам ҳамага бу соҳа жадал ривожланмоқда. Фақат 2008 йилнинг ўтган тўққиз ойи ичида 54 та янги савдо ва майиш хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил

этилди. Шу ҳисобдан 1744 та қўшимча иш ўринлари яратилди ва уларда асосан аёллар ва ёшлар меҳнат қилишмоқда. Шаҳар Кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялар мажлисларида масала тайёрлашда депутатлардан аёллар маркази директори Дилбар Турдиева, педагогика коллежи директори Рустам Ражабов, 2-кўп тармоқли шифохона бош шифокори Фарход Омонов, айниқса, фаол қатнашишмоқда. Шаҳарнинг ҳақиқий жонқури бўлган депутатлар ўзларининг иш жойларида ҳам, жамоат ишларида ҳам ҳаммага намуна. Доимий комиссия аъзоларидан Озод Умиров кўламазорлаштириш ишларида бош-бош. Шаҳарнинг қўча ва хиёбонларига экилган хилма-хил дарахт ва гул қўчаларининг кўпини у ўзининг хусусий қорихонасида етиштирган. Қўчаларни, яшил майсаларни парвартириш ҳам унинг зиммасида.

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари, уларга жалб қилинган депутатлар ана шундай ишлашмоқда. Бу эса шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари учун сайловлар, — дейди Қўрғонтепа тумани сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзоси Мамасоли ака Исмоилов, — ҳозирга қадар Савай, Даргоҳ, Бобур, Фалаба маҳалларида уюшқоқлик, ошкоралик, ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

ЭЛ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАНЛАР

Аслида бу муҳим тадбирга пухта ҳозирлик қўрилди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини вилоят ҳудудий ахборот-таҳлил маркази томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш бўйича анкета-сўровнома асосида аҳоли фикри ўрганилди. Анкета сўровлари 79 та қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари тарқатилди. Бу маҳалла етакчилигига номзоди кўрсатилган фуқароларни обдон ўрганишда муҳим аҳамият касб этди. Маҳалла Ватан бағридаги мўъжаз Ватан. Унинг гуллаб-яшнаши, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жабҳалардаги ривож кўп жиҳатдан етакчилик қилади. Оқсоқол оқиллик билан иш юритса, ўз тақдирини маҳалладошлари тақдирини билан боғлай олса, ҳар

бир юмушни атрофидагилар билан бамаълаҳат амалга оширса, ўша ерда тинчлик, осойишталик қарор топади, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, кўтаринкилик чуқур илди олади. — Бизда 79 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд, — дейди Мамасоли ака Исмоилов. — Уларга 183 номзод кўрсатилган. Ва, яна 6 та қишлоқ фуқаролар йиғинининг ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг раислиги вазифа-сига 14 нафар фуқаро номзоди рўйхатга олинган. Номзодларнинг барчасини эл-юрт яхши билади, ҳурмат қилади. Номзодлардан 49 нафарини аввалдан ишлаб келаётган, аҳоли ишончини оқлаган ва бой тажрибага эга бўлган етакчилар ташкил этмоқда.

Одилжон ШОДМОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ангор туманидаги "Саидносирхон" фермер хўжалиги раҳбари Исaxon Баҳромовни бугун кўпчилик яхши танийди. Табиатан кўнгли очик, одамоҳун ва меҳнатқаш бу инсон нафақат туман ёки вилоят, балки республикамиздаги энг тажрибали деҳқонлардан биридир.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ БАРАКАСИ

— Халқимиз табиатан меҳнатқаш, — дейди Исaxon ака. — Бир парча ери бўлса ҳам бор меҳрини бериб ишлайди. Халол меҳнат билан оиласини боқди. Хен иккиланмай айтиш мумкинки, айнан истиклол туғайли, Президентимизнинг оқилона сиёсати сабабли ерни қадрига қадрига ҳисоблаш эҳсосида оқибот тоғди. Деҳқон меҳнати қадрига қадрига. Ишлаймкан деган киши борки, барака топди. Узимдан қибс: фермерликдан аввал қолхозда ҳам, совхозда ҳам ишладим. Бригадир бўлганман. Баян бир муддат ҳаёлга берилиб қолганимда, ана шу давр билан ҳозирги фермерликни таққослайман. Эҳе, фарқи осмон билан ерча. Масалан, илгари ҳар йили давлат раҳасини ортинчи билан уд-даласак-да, раҳматини меҳнат қилганлар эмас, идорада ўтирганлар эшитдилар. Албатта, гап бирор-бир муко-

Фахр

фоти олиш ёки раҳмат эшитиш эмас. Кўнгли-да, озгина эътибор бўлса кўтарилади. Шу ҳам йўқ эди. Бунақанги шароитда ишлаганимиз келадими? Меҳнатдан савиб кетасиз. Фермерликда-чи? Тамоман бошқача. Каттагина ер ишониб топширилади. Ҳаммаси ўзинга боғлиқ. Давлат ўғитини, уруғини вақтида етказиб беради, маблағ керак бўлса, бемалол кредит олиш ҳам мумкин. Талаб қилинаётгани "план" эмас, шартнома. Тузасан, бажарасан, ортингининг ҳам ўзинга. Бунда фақат яхши ишлаганигина ютади. Айтинг, шундай катта имконият қачон бўлган? Деҳқонга қачон шундай эркинлик берилган? Фермерликни 76 гектар ерда бошлаганман. Ҳозир 214 гектар майдоним бор. Утган йили пахтадан гектар ҳисобига 42 центнердан, галладан 74 центнердан ҳосил олдик. Жами даромадимиз 302 миллион сўмни ташкил этди. Бу йил эса галладан ўзидан 168 миллион сўм фойда кўрдик. Етиштирилган 709 тонна бўғдойнинг 360 тоннаси ўзимизда қолди...

Исaxon ака сўхбатимизни дала шийонида давом эттиришимизни айтиб, бизни ўша ёққа бошлади. Очиги, бу ернинг фойзи, таровати ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Дала шийони дид билан қурилган, атрофдаги беш гектар майдонда боғ барпо этилган. Олма, нок, хурмо дарахтлари бир текис ривожланган. Шу ерда фермер хўжалиги аъзолари билан ҳам гаплашди. Ҳаммасининг кайфияти баланд. Айтишларича, 300 миң сўмдан ошириб маош олишга эътибор берилди. "Изолаган имкон топади" деганлари рост. Исaxon аканинг бугун танқилик фермер бўлиши ҳалол меҳнатию интилиши туғайли. Юқориди айтиб ўтилган

Фермер ҳаётидаги энг унғилмас воқеалардан яна бири Муқатиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида бўлди. У "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга лойик қўрилди. Буларнинг барчаси юртимизда ер эгасига бўлган эътиборнинг ёрқин намунасикидир.

Абди ҚОДИРОВ.

Ўзбекистон — Ҳиндистон: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

берилиши ўз натижасини кўрсатди. «Шуниси муҳими, биз ушбу концепция доирасида мамлакатда иқтисодийни либераллаштиришда сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар ролини кучайтириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилганини кўралик. Сиёсий партиялар тўғрисидаги конституциявий қонун, сиёсий партияларни молиялаштириш ва жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунлар фикримизга мисол бўла олади», дейди ҳиндистонлик мутахассис.

Шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг аънаваный институтларини қўллаб-қувватлаш, янги ташкил этилган эркин ва барқарор нодавлат ташкилотларни ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситалари, уларнинг ахборот олиш ҳуқуқлари, мас-медиа соҳасида бозор муносабатларини жорий қилиш каби масалаларни иштирокчилик эътибори жалб қилинди. Асосий урғу уларни маблағ билан таъминловчи манобалардан мустақил бўлишини сақлаб қолиш масаласига берилди.

— Ўзбекистон Парламентининг нодавлат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қарори ва тегишли жамғармасини шакллантириш мақсадига янада демократлаштириш йўлидаги наватбадга муҳим қадамлардан биридир, — деди Жаваҳарлал Неру номидаги университетнинг Марказий Осиёни ўрганиш дастури директори, «Маданият ва Ҳимояли ташкилотлари жамғармаси» бош қотиби Кунбухшан Варкук. — Нодавлат ташкилотларни молиялаштирувчи мустақил манбани шакллантириш туриб уларнинг жамиятни демократлаштириш жараёнида тўлақонли ва тизимли равишда иштирок этишлари мушкул. Уйлайманки, бундай жамғарманинг ташкил этилиши уларнинг жамиятни ислоҳ қилиши ишига аралашилари учун муҳим туртки бўлади. Шу маънода нодавлат ташкилотлар жараёнларни сиёсий жиҳатдан ба-

ҳолашдан қўра, кўпроқ иқтимоий масалаларга эътибор қаратишлари зарур. Маззун давом эттирар экан, Ражан Кумар Ўзбекистонда ижро ҳокимиятининг айрим ваколатлари ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга берилишида фуқаролик жамиятининг мамлакатда азалдан мавжуд бўлган демократик тамойиллар асос қилиб олинган, бу билан маҳаллалар ўзини ўзи бошқаришининг муҳим органига айлан-тирилгани ва муҳим иқтимоий масалаларни ўзи ҳал эта олишга қодир эканлигини таъкидлади. «Маҳалла жамиятининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қисми эканлигини яна бир бор исботлади. Мамлакатни демократлаштириш жараёнида ушбу институ-тнинг жамиятда ижобий ва муҳим ўринига эга эканлигини кўрсатди», деди олим.

Йилгиланлар, шунингдек, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, иқтимоий институтлар, мустақил босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни ижобий баҳолади. Ушбу масала юзасидан айтилган мулоҳазаларга қўшимча қилиб, ОАВ ва фуқаролик жамияти бўйича эксперт Ниведита Менон хоним «Оммавий ахборот соҳасига бозор механизларининг жорий этилиши жамиятга плюралистик қарашга ундайди, қишлар мамлакатда ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга берилган турлича муносабатлар билан танишдилар», дея таъкид-лади. Экспертнинг фикрига қўра, оммавий ахборот воситалари аҳолини нафақат тезкор ахборот билан таъминлаши, балки жамият олдидаги ўз масъулиятини ҳам ҳис қилиши керак. «Ишонли бўлмаган ахборот

миллатлараро ва конфессиялараро алоқаларнинг салбий тус олишига, матбуот ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашишига олиб келиши мумкин», дея изоҳлайди у.

Давра сўхбати иштирокчилари айтиб ўтишганидек, Ўзбекистонда амалга ошири-лаётган демократик ислохотлардан мақсад ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш эканлиги кўринад.

Бир қатор экспертлар Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлан-ган чора-тадбирлар жамиятни демократлаш-тириш ва мамлакатни модернизация қилиш борасидаги муҳим қадам бўлганини қайд этди. Мамлакат раҳбарияти томонидан қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, Адвокатлар палатасининг тuzилиши, Олий суд қоши-даги тадқиқот маркази, мамлакатда ўлим ҳазосининг бекор қилиниши ва «Ҳабес кор-пус демократик ҳуқуқий институтининг жор-ий этилиши амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон ва унинг манфа-атлари турғанини яна бир бор намоён этди.

Шу ўринда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ташкил топ-ган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида яхлит ва самарали тизим-нинг, ихтисослашган судлар ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг фаолият юритиётгани таъкидланди. Суд жараёнида қораловчи ва ҳимоянинг тенглигини таъ-минлаш, суд-ҳуқуқ борасидаги ислохотлар-ни ва жиноят қонунчилигини янада либе-раллаштириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнлардан на-давлат ташкилотларнинг фаол иштирок эти-ши муҳимдир.

Сўхбат якунида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислохотлар изчил ва тизимли равишда амалга оширилаётганига ижобий баҳо берилди. Исмом ШАРОПОВ, «Жаҳон» АА. Дехли.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўмита томонидан Савдо-саноат палатаси, тегишли давлат органлари, вази-рлик ва идоралар билан ҳам-корликда шу йил 15 майдан 15 июнга қадар эса республика-мизнинг 16,5 миңдан зиёд тадбиркорлари иштирок этиб, улардан 650 дан кўпроқ му-рожаатлар қабул қилиб олин-ди. Бу мурожаатларда қўйил-ган масалалар ҳам ўз ечи-мини топди.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда юқори қув-ват билан ишловчи, ички бо-зорда ўзига хос ўринга эга монопол корхоналар кўп-лигидан кўз юмиб бўлмайд.

Мазкур корхоналарда олиб борилган мониторинг нати-жалари уларнинг айримлари-да ишлаб чиқарилаётган мах-сулотлар нархини асосида ошириш, сунъий равишда танқислиқни вужудга келти-риш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Кўмита бун-дай ноҳуш ҳолатларни бар-тараф этиш мақсадида яқин-да "Пахтанефтобаз" давлат унитар корхонасида назорат тарихида текширув ўтказ-ганда, биржа савдоларига нефть махсулотлари ўз вақ-тида қўйилмаганлиги учун сунъий равишда ёниги тан-қислиги вужудга келганлиги аниқланди. Бу монопология қарши қонунчиликка зид эди, албатта. Шу боис ушбу кор-хонага нисбатан 54,8 мил-лион сўмлик жарима қўйил-ди. Пировардида нефть махсулотларининг сунъий танқислигига барҳам берил-ди. Муҳим, утган ярим йил мобайнида қўллаб қорхона-

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ турмуш фаровонлигини юксалтириш гаровидир

ларда ишлаб чиқарилган махсулотларни биржа савдосига қўйишда белгиланган жадалга амал қилиниши назоратга олинганлиги туғайли кўмир 157 фоиз, мис 116, иккиламчи алюминий 113, ёғ 124,7, суюлтирилган газ 122, қора ме-талл прокати 103, ун 119, по-лизтилен 102 фоизга баҳарил-ди. Натижада биржа савдола-рига жами 1359,1 миллиард сўмлик махсулот қўйилиб, бун-дан ишлаб чиқарувчилар 345,6 миллиард сўм соғ фойда олишга эришдилар.

Шу билан бирга, товарлар бозорида керамзит, маъданли момиқ, полистилен қувур, каль-цийлаштирилган сода ва бош-қа монопол турдаги махсулот-ларга талаб ортиб бораётган-лиги кузатишмоқда. Шунинг ҳис-обига олиб, ана шу махсулотлар-ни биржа савдоларига қўйиш режалаштирилмоқда. Таҳлил натижаларига қўра, биржа сав-доларига қўйилган бензин, ди-зель ёнилиги, мис, иккиламчи алюминий, рух, минерал ўти-лар таъминоти талаб даража-сига етказилди. Хусусан, бир-жа савдосига қўйилган 51,5 миң тонна автобензиннинг 33,2 миң тоннаси сотилди. Бирок нефть махсулотлари бошланғич нархи 15-27 фоиз, ўсимлик ёғи ва ун 11-25 фоиз ошганлиги аён бўлди. Бунда, табиийки, дунё бозорида нарх-наво ўсишининг таъсири бор.

Утган даврда, шунингдек, дори воситалари билан савдо қилувчи муассасаларда қалбаки ва давлат рўйхати-дан ўтмаган дори воситала-

ри бўйича мониторинг ишла-ри ҳам олиб борилди. Бунинг натижасида 812 та муасс-асанинг 292 тасида, яна 35 фо-зида 16 ҳолатда қалбаки дори-дармон воситалари бил-лан савдо қилиш, 23 ҳолат-

талабларга жавоб бермайдиган ҳолатларга аниқлик киритилди. Ўз навбатида, кўмита ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан қорихидаги текширув-назорат ишлари ҳулосасидан келиб чиққан ҳолда, истеъмолчилар ҳуқуқла-рининг бузилиши юзасидан 48 та ҳолат бўйича қўрсатмалар берилди. 9 та қўнбўзулиши бўйича ишлар Соғлиқни сақ-лаш вазирлиги ва бошқа те-гишли ташкилотларга қўриб чи-қиш учун юборилди.

Кўмита ва унинг жойларда-ги ҳудудий бошқармалари электр энергияси таъминоти бўйича ташвиётган муурожаат-ларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Назорат-мониторинг ҳулосаларига қўра, жорий йилнинг январь ойида истеъмолчи хўжалик субъектларида доимий равишда электр узил-лишларига йўл қўйилганлиги учун уларга 28,5 миң АҚШ долларилар ва 191,3 миллион сўмлик моддий зарар етказил-ганлиги аниқланди. Масалан, Наманган вилоятида мунтазам

электр энергияси узиллиш-ларига йўл қўйилганлиги учун истеъмолчиларга 17,3 милли-он сўм, бюджет ташкилотла-рига 7,2 миллион сўм, бош-қа Йирқи ташкилотларга 10,1 миллион сўмлик зарар етказил-ган. Ушбу қўнбўзулишлар бўйича тегишли электр таъминоти корхоналарини нисбатан иш қўраганиди. Бу ҳақда юқори идорага маълум-отнома киритилди.

Таъкидлаш жоизки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўнбўзулишларнинг бузилиши юзасидан 48 та ҳолат бўйича қўрсатмалар берилди. 9 та қўнбўзулиши бўйича ишлар Соғлиқни сақ-лаш вазирлиги ва бошқа те-гишли ташкилотларга қўриб чи-қиш учун юборилди.

Кўмита ва унинг жойларда-ги ҳудудий бошқармалари электр энергияси таъминоти бўйича ташвиётган муурожаат-ларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Назорат-мониторинг ҳулосаларига қўра, жорий йилнинг январь ойида истеъмолчи хўжалик субъектларида доимий равишда электр узил-лишларига йўл қўйилганлиги учун уларга 28,5 миң АҚШ долларилар ва 191,3 миллион сўмлик моддий зарар етказил-ганлиги аниқланди. Масалан, Наманган вилоятида мунтазам

Бу ишларни амалга оширишда асосий мақсад — мамлакатимизда истеъмол бозорида эркин рақобат муҳитини яратиш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бозорларимизда тўқин-сончиликни таъминлаш. Ана шу чора-тадбирлар эса республикамиз иқтисодийоти янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровончилиги оширишга хизмат қилади.

Кўмита матбуот хизмати маълумотлари асосида Икром ЎТБОСАРОВ тайёрлади.



ЖАҲОН

24 соат ичида

Вертолёт ҳалокати

Гаити шимолида «Ranger» русумли вертолёт ҳалокатга учради, дейилади «AFP» ахборот агентлиги хабарида.

Хозирча вертолёт қайси давлатга тегишли экани ва унинг фожиасига йўлиқишига нима сабаб бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари таъкидлашча, сўнгги вақтларда мамлакат ҳудудида бирорта ҳам ҳаво транспорти ҳалокатга учрамаган эди. Гап «Ranger» ҳақида кетганда, шуниси аниқки, ушбу вертолёт Гаити чегарасини бирор бир гаразли мақсадда кесиб ўтмаган.

Авиакомпанияда танглик

Италиянинг «Alitalia» авиакомпаниясига «Italian Air Company» сармоялари киритилиши маълум қилинганидан сўнг авиакомпания ходимлари норозилик билдириб, иш ташлашди.



«AFP» ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, иш ташлашларда асосан «Alitalia» учувчилари қатнашишмоқда. Улар компания томонидан хо-



димлар сони ва ойлик машоғулини ҳисоблашда ҳам қўпгина норозилик билдиришмоқда. Юзага келган муаммо туфайли авиакомпания хар олти парвоздан биттасини бекор қилишга мажбур бўлмоқда.

Қузатувчилар агар қўйилган шартлар бажарилмаса, «Alitalia» ноябрь ойи охирига-ча 100 та парвозни амалга ошира олмаслигини таъкидлаб ўтишган.


Талончи қўлга тушди

АҚШнинг Флорида штатидаги «Space Coast Credit Union» банки ногирон киши томонидан тунаб кетилди.

«Yahoo! News» маълумотига кўра, ногиронлар арачасида ўтирган бир эркак банкка келиб, арачасига портловчи ускуна ўрнатилганини айтади. Ходимларнинг таҳликага тушиб қолганидан фойдаланган жиноятчи катта миқдордаги пулни ўмаришга муваффақ бўлади. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай талончи қўлга олинди. Сўрош пайтида мазкур киши у икки нафар қуролланган шахс зуғумидан сўнг содир этганини ва пулларни ҳам ушларга бериб юборганини билдирган. Полиция жиноятчининг бу ёлғонига ишонмади.

Деббининг ўлими

Канаданинг Виннипег шаҳридаги ҳайвонот боғида дунёдаги энг кекса кўб айғиқ ҳаётдан кўз юмди.



Дебби лақабли ушбу жонивор боққа ташриф буюрувчиларнинг доимо эътиборини тортган келган. У 42 йил яшди ва бу орада олтига айқичани дунёга келтирди. Маълумотларга қараганда, Дебби Канадада 1968 йилда собик иттифок ҳудудидан олиб келинган.



Ветеринарларнинг таъкидлашча, одатда бу турдаги жониворлар ёввойи табиат қўйнида ўттиз йилгача яшши мумкин. Шунинг учун ҳам Дебби дунёдаги энг кўп ҳаёт кечирган кўб айғиқ сифатида жорий йил Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган.

Панамада zilzila

Панамада кучли ер силкиниши кузатилди. «BBC News»нинг маълум қилишича, табиий офат кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллга тенг бўлган.

Zilzila маркази мамлакатнинг йирлик шаҳарларидан бири Давиддан 57 километр шарқда қайд этилган. Мазкур шаҳарда 125 миң аҳоли истиқомат қилади.

Хозирча табиий офат келтирган зарарлар тўғрисида маълумот йўқ.

Назорат кучайтирилди

Интерпол ташкилотининг Мексика давлатидаги бўлими бошлиги Рикардо Гутьеррес гийҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи «Бельтран-Лейва» гуруҳи билан алоқадорликда айбланиб, ҳибсга олинди.



Бу хабар «Reuters» ахборот агентлиги томонидан тарқатилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» ОАЖ

Электр энергиясининг барча истеъмолчиларига 2008 йил 1 январда тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномаларининг амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабрида тугаши муносабати билан 2009 йил учун янгидан шартномалар тузилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилади.

Шартнома тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур.

Шартномалар куйидаги талаблар бажарилганда тузилади:

• ҳисоб-китоб нукталарида замонавий электрон ҳисоблашлар ўрнатилган тақдирда;

• 2008 йилда амал қилмаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бўлмаганлиги.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотлар билан 2009 йилга шартнома тузилмайдиган ҳамада уларга электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» маълумияти.

Инсон учун саломатликдан ортиқ бойлик йўқ. Шундай экан, унинг саломатлигини асраш, хасталикларнинг олдини олиш ва бартараф этиш муҳим масалалардир. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотлар туб-мазмун моҳияти билан ана шу эзгу гоғия қаратилган. Бундай ўзгариш ва янгиланишлар юртимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор эканлигига яна бир исботдир. Энг муҳими, бундай ислохотлар самараси бугун нафақат марказий шаҳарларда, балки чекка ҳудудларда ҳам аққол намойён бўлмоқда.

Масалан, сўнгги йилларда Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятида ҳам кўпгина ўзгаришлар кўзга ташланди.

Бултур ушбу марказнинг республика бўйича «Энг илгор тиббий муассаса» деб топилганлиги боиси ҳам шундан. Зеро, мазкур шифо марказида ноб-жарроҳлик операциялари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Яқинда шифокорларимиз орқа миё чурраси ҳамда кўён-лаб касаллиқлари бўйича илк бор жарроҳлик амалиётини қўлладилар. Марказнинг Ортопедия бўлими мутахассислари эса Россиянинг Г.И. Турнер номидаги Болалар ортопедия илмий-тектириш институти шифокорлари билан ҳамкорликда жарроҳлик операциясини ўтказганликлари, айниқса, эътиборга молиқ.

Жамоамиз эришяётган натижалар, шубҳасиз, мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидир. Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоқ қилиши янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, вилоят болалар шифохонаси ўрнида кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилган эди. Унинг негизда болалар бўлими, шунингдек, нейрохирургия, юз-жағ хирургияси ҳамда болалар гинекологияси йўналишлари фаолияти йўлга қўйилди.

Илгари марказда айрим йўналишлар бўйича мутахассислар етишмас эди. Бугунга келиб шифохонада кўлаб

ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

хасталикларни даволаш бўйича пухта билим ва тахрибга эга бўлган мутахассислар фаолият кўришмоқдалар. Масалан, сурдолог шифокорларнинг сабаб-ҳаракатлари боис, болаларда эшитиш аъзолари нуқсонининг олдини олишга ва бу турдаги хасталикларни самарали даволашга эришилмоқда. Натижада, кўпгина бемор болалар ногиронликдан асраб қолинапти. Эътиборлиси шундаки, марказнинг янги ташкил этилган маслаҳат поликлиникаси таркибида мавжуд йўналишларга қўшимча равишда пульмонолог, невролог, офтальмолог шифокорлар қабули ҳам йўлга қўйилди. Неонтология, пульмонология бўлимида ҳам бошқа бўлимлар қатори энг сўнгги ускуналар кўмағида замонавий даволаш усуллари қўлланилмоқда. Шифо масканимизнинг ахборот-ресурс марказида жонҳондаги тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боришимиз учун қўлай имкониятлар яратилган. Бу ерда интернет орқали хорижий ҳам-



касбларимиз билан тажриба алмашишимиз, даволаш ва тахшис жараланидаги янги усулларни муҳокама қилишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, асосий мақсад аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдир. Хозир бу ерда 195 та шифо ўрни мавжуд бўлиб, 14 ёшгача бўлган болаларга 23 йўналиш бўйича стационар ва амбулатор шарафида хизмат кўрсатилапти. Келгусида марказ фаолиятини янада жонлантириш кўзда тутилган. Яъни, яқин келажакда шифо муассасаси капитал таъмирдан чиқарилиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади. Бошқача айтганда, давлат ҳисобидан умумий қиймати бир миллион АҚШ долларида зиёд маблағ эвазига замонавий, жаҳон стандартларига мос тиббий асбоб-ускуналар харид қилинади. Энг асосийси, бу эзгу юмушларнинг амалга оширилиши соғлом ва баркамол авлоднинг камол топишида беқўёс аҳамиятга эгадир.

Асрор ШАМСИДИНОВ, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори.

«FALLABANK»дан ЯНГИ ЙИЛ АКЦИЯСИ! «ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ СОВГАЛАР» Акция 2008 йил 1 ноябрдан 20 декабргача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уч номинация бўйича ўтказилади. 1. Энг фаол пластик карточка эгасига Супер ютук — 1 дона LCD (82 см.) телевизор, оддий ютуклар — 5 та рангли телевизор (54 см.) ва 10 та DVD плейери. 2. Энг фаол терминал эгасига — рангли телевизор (54 см.). 3. «Иш ҳақи» лойиҳасининг энг фаол иштирокчиларига — бир дондан рангли телевизор (54 см.).

АСРАГАННИ АСРАЙДИ

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ушбу тузилма фаолиятини янада кенгроқ тарғиб этиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтиришга бағишланган матбуот анжумани уюштирилди.

Тадбирда мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бу борада давлат ва жамоат тузилмалари иштирокида тезкорлик билан тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, кенг оммага фавқулодда вазиятлар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш орқали унинг оқибатларини бартараф этиш каби масалалар вазирликнинг асосий мақсади эканлиги таъкидланди.

Алоҳида эътироф этиш керакки, Президентимиз раҳнамолигида вазирлик истиқлол йилларида аҳолини ҳар қандай фавқулодда ҳолатлардан ҳимоя қилишга қодир тузилма сифатида шаклланди. Конференцияда фавқулодда вазиятлар юз берганда фойдаланиладиган кийим-кечаклар ва жиҳозлар кўрғазмаси ташкил этилди.

Юнус БУРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Адвокатура фаолиятига бағишланди

Навоий вилояти адвокатлар хайъати адвокатлари, адвокатлик фирмаси бюрослари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган анжуман «Адвокатларнинг ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими, адвокатлик тузилмалари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусига бағишланди.

Анжуманда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги bosқичи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатларнинг ролини кучайтириш, адвокатура фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари тўғрисида батафсил фикр юритилди.

Жамшид ТИЛАНОВ.

Полиграфия корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

2009 йилга давлат статистика ҳисоботлари шакллари нашр қилиш бўйича савдо (тендер) танлови эълон қилади.

Талабгор полиграфия корхоналари куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- полиграфия соҳасида сўнгги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши;
- нашр ишларини субпудрат ташкилотларни жалб қилмасдан амалга ошириш учун зарур асбоб-ускуна, техника воситалари ва кадрларга эга бўлиши;
- шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ҳамда ваколатга эга бўлиши.

Савдо танлови бўйича ҳужжатларни ариза берилгандан сўнг (фирма бланкисига раҳбар имзоси билан) Давлат статистика қўмитасида куйидаги манзилдан олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 63-уй, 6-кават, 614-хона. Телефон: 150-50-85, факс: 150-50-88.

Танлов бўйича таклифларни конвертларда юқорида кўрсатилган манзилга савдо ўтказиладиган кун соат 11.00 гача тақдим этиш мумкин.

Танлов бўйича таклиф конвертлари эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кундан кейин Давлат статистика қўмитасида соат 16.00 да, танловда қатнашувчи корхоналар вакиллари иштирокида очилади.

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»


Цена - от 1 300 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмин, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие предоставляет фильеры различных диаметров. Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв.п.Ц.д.6. Товар сертифицирован (ор-р - перекресток «Шухрат»)

«INTEGRAL ASIA»

17" мониторли Р4 компьютерлари



Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. «Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида.

Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26.

Товар сертифициланган. e-mail: sale@onlineuz.net www.integr-asia.com

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

2009 йилга куйидаги мутахассисликлар бўйича АСПИРАНТУРАГА кундузги ўқув шакли бўйича қабул эълон қилади:

- 08.00.09 — Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар.
- 12.00.10 — Халқаро ҳуқуқ.
- 23.00.04 — Халқаро муносабатлар ва жаҳон тараққийнинг сиёсий муаммолари.
- 08.00.11 — Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти.

Ҳужжатлар 2008 йил 15 декабргача куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси (собик Буюк ипак йўли кўчаси), 54-уй, «А» бино, 14-хона. Телефон: 267-07-07.

РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР — «GRAND MOTORS» МЧЖ

TOYOTA ва LEXUS

русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади.

Кафолат: TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 миң км.; LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 миң км. Тўлов шакли — турлича. Лизинг.

Автосалон манзили: Тошкент ш., Бериш к., 2-уй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

